*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 213 (9709).

1989 йил 8 ноябрь чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

# ОКТЯБРЬ ЙЎЛИ — ТАНЛАБ ОЛГАН ТАРИХИЙ ЙЎЛИМИЗ



МОСКВА. 1989 йил 7 ноябрь. Қизил майдондаги В. И. Ленин Мавзолейи минбарида.

ТАСС — ЎзТАГ телесурати.

Улуғ Октябрь зулм ва зўравонлик дунёсига қарши чиқди, инсоният олдида биринчи марта социалистик тараққиётнинг реал истиқболини очиб берди. Юксак инқилобий идеаллар мамлакатимиз халқларини энг яхши, қаҳрамонона ишларга илҳомлантирдики, бу ишлар Ленин ишининг давоми сифатида тарихга кирди.

Босиб ўтилган 72 йил мутлақ музаффар юриш йиллари бўлгани йўқ. Ана шу даврнинг ярмидан кўпроғини мамлакат вайроналик келтирган урушлар ва уларнинг оқибатларини тугатиш, ҳолдан тойдирувчи қуролланиш пойгаси келтириб чиқарган фавқулодда вазиятда яшади. Шахсга сиғиниш ва буйруқбозлик - маъмуриятчилик системасининг зўравонлиги йилларида Ленин ғояларининг бузилиши иқтисодиятга катта путур етказди, ижтимоий кескинликни келтириб чиқарди.

Ана шу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун социализмнинг ҳақиқий идеалларини қайтадан тиклайдиган қайта қуриш зарур бўлди. Янгилаш — кураш демакдир. Муаммоларнинг илдизлари чуқур, психологик ғовларни ва салбий анъаналарни ўзгартириш қийин. Халқ оммасининг ғайрати ва инқилобий ижодкорлиги тўла ишга солинмаса, бу йўлдан бориб бўлмайди.

Биз келажакка ишонамиз. Совет кишилари фақат социализм йўлида чинакам янгиланишни тасаввур этадилар, муваффақият зўр ғайрат билан қилинган меҳнат орқалигина, иқтисодиятдаги қатъий силжишлар орқалигина келишини биладилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 72 йиллигига бағишланган тантаналарнинг амалий муҳити бунинг далилидир.

Бугун намойишчиларнинг сафлари устида, Қизил майдон атрофидаги биноларнинг пештоқларида расмий — дадил шиорлар, ҳамма ишни — ҳатто бажариб бўлмайдиган ишларни ҳам уддалаш ҳақидаги ваъдалар кўринмайди. Уларнинг ўрнига барча одамлар учун қадрли бўлган «Ер — деҳқонларга!, Ҳокимият — Советларга!, Халқларга — Тинчлик!» сўзлари кўзга ташланади. Улуғ Октябрнинг шиори бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, унда социалистик янгиланишнинг моҳияти акс этган.

Мавзолейнинг Марказий минбарига **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н Слюньков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, О. Д. Бакланов, А. Н. Гиренко, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов** ўртоқлар кўтариладилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари, жамоатчилик вакиллари ҳам шу ерда эдилар.

Қизил майдоннинг тош терилган қисмида Москва гарнизони қўшинлари парадга саф тортиб турибди.

Спасск минорасидаги курантлар соат 10 га занг уради. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов парад қўмондони генерал-полковник Н. В. Калинин рапортини қабул қилиб олади, қўшинларни айланиб, парад қатнашчиларини байрам билан табриклайди. Сўнгра Д. Т. Язов минбарга кўтарилиб нутқ сўзлайди.

Кўп овозли «Ура!» садолари янграйди. Совет Иттифоқи давлат гимни эшитилади, артиллерия салюти гумбирлайди.

Кўп йиллик анъанага мувофиқ майдонга биринчи бўлиб ҳарбий музика билим юртининг тарбияланувчилари кириб келадилар. Улар ижро этаётган куйга минглаб карнайлардан иборат қўшма оркестр қўшилади.

Парад бир неча ўн йиллардан буён давом этаётган анъанага мувофиқ ўтмоқда. Лекин Москва гарнизони қўшинларининг бугунги тантанали маршида фарқ қилувчи хусусиятлар ҳам бор, улар мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи билан боғлиқ.

Ўтган йиллардаги юбилей тантаналаридан фарқли равишда бу ҳарбий парад анча камтар. Қизил майдондан атиги 220 та жанговар техника, жами 8197 кишидан иборат 16 та полк саф тортиб ўтади. Мутахассисларнинг фикрича, бу СССР Қуролли Кучларнинг барча турларини намоён этиши мумкин бўлган қўшинларнинг энг кам сонидир.

Сурункасига бир неча йилдан буён Қизил майдондаги парадларда стратегик ракеталар кўринмаётганлигини ҳам таъкидлаймиз. Бу янги сиёсий тафаккурнинг энг яхши далили эмасми, бу тафаккурнинг амалга оширилиши шунга олиб келдики, ҳозирги Октябрь байрамларининг нақ арафасида ОТР — 23 ядро ракеталарининг бутун бир тури тугатилди.

Совет Армияси кўз олдимизда ўзгариб бормоқда. Армиянинг анча қисқартирилишини бутун дунё КПССнинг ядросиз дунёга эришишга қаратилган йўли яхши истаккина эмас, балки реал истиқбол эканлигининг ишончли аломатидир. Мудофаа комплексида катта ўзгаришлар юз бермоқда, у халқ хўжалиги эҳтиёжлари сари, иқтисодиятимизнинг талаблари сари сезиларли даражада бурилмоқда.

Ҳамиша бўлгани каби қўшма ҳарбий оркестрнинг Мавзолей олдидан ўтиши параднинг хотимаси бўлди.

Марш садолари аста-секин тинади.

Пионерлар партия ва Совет давлати раҳбарларига гуллар тақдим этадилар.

Майдонга намойишчилар кириб келадилар. Колонналар олдида, Москва байроғи остида районларнинг тўққиз ой якунларига кўра, социалистик мусобақада ғолиб чиққан вакиллари бормоқдалар. Уларнинг орасида Москва станоксозлик заводи йиғувчи-слесари В. Буковский, 24-мактаб-интернат директори Г. Венидиктова, иқтисод-статистика институтининг студенти В. Корнюхин, Москвадаги 2-Ярославль локомотив депосининг машинисти А. Максимов, СССР Фанлар академияси физика химия институтининг директори Ю. Полукаров, болалар врачи Л. Утенковалар бор, Улар қайта қуришга фаол ҳисса қўшиб, меҳнатда ва ўқишдаги муваффақиятлари билан байрам намойишининг биринчи сафларида бориш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

«Намойиш» изоҳли луғатга қараганда кайфиятни омма олдида ифодалашдир. Инқилобнинг 72 йиллигида бизнинг кайфиятимиз қандай? Қалбларимиз байрамдаги каби қувончга тўлами? Бу саволга ҳозир осонгина жавоб бериш мумкинми? Шу билан бир вақтда байрам намойишига москваликлардан 100 мингдан кўпроқ киши чиққанлигини одат кучи, кўникмаларнинг кучи деб изоҳлай олмаймиз. Деярли беш йил давом этган ошкоралик — ҳамма нарсага ишонавериш, сиёсий гўллик, икки юзламачилик касалликларидан халос бўлиш учун етарли муддатдир. Лоқайдликдан халос бўлиш учун ҳам етарли муддатдир.

...Бундан буён ҳам байрамларга қанча қизил алвон кетганига, осмонга учирилган шарлар сонига, майдонга чиққан колонналар сонига қараб баҳо берамизми? Октябрь санаси арафасида парламент сессиясида шу ҳақда гап борди. Депутатлардан бири бир қолипда ўтадиган юбилейлардан, тантананинг қандай ўтишини олдиндан белгилаб қўйишдан воз кечиб меҳнаткашларга ўз байрамларини ижодий тусда ўтказиш имконини беришни таклиф қилди. Айниқса Советлар мамлакати туғилган кун ана шундай байрам қилиниши керак.

Бугун жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳалари янгиланаётган даврда Улуғ Октябрь куни тўғрисида, тарих, қайта қуриш ҳақида мулоҳаза юритиш ўринлидир.

Кўпгина суҳбатдошларимиз — СССР халқ депутатларидир. Улар халқ эътиборида тургани учун суҳбатга таклиф қилганимиз йўқ. Халқ вакиллари жамият барча қатламлари манфаатларини ифодалайдилар, халқнинг орзу-умидларини воқеликка айлантириш учун реал ҳокимиятга эгадирлар.

Ҳамма нарсага ишончсизлик билан қарайдиган кишилар нималар ҳақида гапирмасинлар, халқ депутатларининг биринчи съезди, ҳозирги СССР Олий Советининг фаолияти — туб ўзгаришларнинг энг яхши далилидир. Янги депутатлар олдинги итоатгўй депутатларга мутлақо ўхшамайдилар ва улар амалий равишда қонунларни барпо этиш кайфиятидадирлар. Октябрнинг асосий шиорлари Қизил майдондаги парламентимиз биносининг деразаларига беҳуда умид билан қараётгани йўқ. Бу бинода Октябрь шиорларини қонун билан мустаҳкамлаши лозим бўлган ҳужжатлар — мулк, ер, ижара, социалистик корхона, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунлар устида қизғин иш олиб борилмоқда. Ерга хўжайиннинг қайтиб келиши, меҳнаткашларнинг тўла ҳокимияти, барча совет кишиларининг муносиб яшаши, миллий сиёсатнинг ленинча идеалларига қайтиш, тенг ҳуқуқли халқлар федерациясини барпо этиш ана шу ишларнинг муваффақиятига боғлиқдир.

СССР Олий Совети қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси, СССР халқ депутати С. Алексеевга сўз берамиз.

— Ҳозирги пайтда, аввало СССР Олий Совети орқали, унинг қонун актларида Октябрь ғоялари, халқнинг тўла ҳокимиятга эга бўлиши ғоялари, меҳнаткашлар ишлаб чиқариш воситаларининг реал хўжайинлари бўлишдан иборат ғоялар мужассамлашаётганига ҳар бир совет кишиси учун тушунарли бўлган ишончни ҳис этмоқдаман. Оталаримиз, боболаримиз чоризмга ҳужум қилган вақтларида улар ишонган, ёрқин орзу-умидлар ҳозирги сиёсатимизда амалга оширилмоқда.

Қизил майдон узра «Реал ваколатлар — Советларга» шиори сузиб бормоқда. Москва биринчилар қаторида халқ ҳокимиятини конкрет иқтисодий мазмун билан тўлдиришга тайёрланмоқда: пойтахт ва ундаги 33 район 1 январдан бошлаб территориал хўжалик ҳисоби ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга ўтади.

— Бунинг учун, — дейди Калинин район ижроия комитетининг раиси Н. Квач, — корхоналар ва ташкилотларнинг манфаатларини улар жойлашган территория манфаатлари билан уйғун боғлаш керак. Ҳозирча эса маҳаллий Советлар етилган муаммоларни ҳал қилиш учун реал ҳокимиятга эга эмаслар, улар илтимос қилишга мажбурлар. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик ҳисобига ўтилгач, Советларнинг омилкорлик фаолияти кенгайтирилгач зарур маблағлар топилади. Бизнинг таклифларимиз қийинчилик билан амалга ошмоқда, чунки беш йиллик олдиндан белгилаб қўйилган. Лекин биз келажакка ишонч билан қараймиз: келгуси йил район иқтисодиятида жиддий бурилиш қилиш учун база бўлиши лозим. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонун қабул қилинишини орзиқиб кутяпмиз.

Жамиятнинг тобора кўпроқ сиёсийлашуви янгилашга меҳнаткашларнинг оммаларини тобора кенгроқ жалб этишни ўз ичига олади. Касаба союзларимиз машъум «ҳаракатга келтирувчи тасма» назариясини улоқтириб ташлаб социализмнинг сиёсий системасида ўз ўрнини топмоқда, Ленин комсомоли «юқоридан» ортиқча васийликдан холи бўлмоқда, вужудга келаётган ташаббускор уюшмаларнинг кўпи ижобий жараёнларни жадаллаштириш учун курашмоқда. Ҳозир қайта қуришнинг муҳим қуролига айланган оммавий ахборот воситалари ғоят хилма-хил жамоатчилик фикрини ифодаламоқда.

— Ҳозир Қизил майдон телевизион камераларнинг объективлари орқали қандай кўринмоқда? — деб тележурналист А. Крутовга мурожаат қиламиз. У СССР халқ депутати, ҳозир меҳнат вахтасида турибди.

— Икки йилдан буён байрам репортажларини эшиттиришда қатнашяпман. Олдинги тантаналарни эслайдиган бўлсак, бундай қонуният кўзга ташланади: бизда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий вазият нақадар қийин бўлса, мавзолей минбарида турган раҳбарлар кўкрагида юлдузлар шунча кўп эди, намойиш шу қадар улуғвор ўтказиларди, шиорлар, музика, сунъий гуллар шу қадар кўп бўларди. Гўё бу билан ишимиз яхши боряпти, ташвишланишга ҳожат йўқ деб ўзларини ҳам, ҳаммани ҳам ишонтиришга уринар эдилар. Тан оламан, сўнгги вақтда репортаж олиб бориш қийин бўлиб қолди. Ҳозир ғалаба рапортлари, қўшиб ёзилган рақамлар кетмайди, албатта. Ҳаммаси қатъий ва ишчан бўлиб қолди. Аммо ҳозир микрофон ва камера билан ишлаш қизиқарлироқ. Илгари одамлар «Ура!», «Яшасин!» деб бақирар, плакатларни кўтариб ўтишар, безатилган аравачаларни олиб боришарди, лекин бунда самимийлик йўқ эди. Самимийлик қаердан ҳам бўлсин! Ҳозир ҳам табассум учун асос жуда кам. Йил жуда оғир келди, турли воқеалар бизни ларзага солди. Аммо одамларнинг юзларида улар

(Давоми 2-бетда).

# КРЕМЛДА БАЙРАМ ҚАБУЛИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 72 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 7 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими уюштирдилар.

Қабул маросимида **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н Слюньков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. Н. Гиренко, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов** ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Залда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка номзодлари, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР халқ депутатлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, таниқли фан арбоблари, маданият усталари, ҳарбий бошлиқлар, Қизил майдондаги ҳарбий парад қатнашчилари бор эдилар.

Тантаналарда қатнашиш учун мамлакатимизга келган чет эллик меҳмонлар, чет давлатларнинг Москвадаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари, руҳонийларнинг намояндалари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев ҳозир бўлганларга мурожаат этиб нутқ сўзлади.

## Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Хонимлар ва жаноблар!

1917 йилнинг Октябрь кунлари ўтмишда қолиб биздан тобора узоқлашмоқда, янги дунёнинг бунёдга келиши ана шу кунлар билан боғлиқдир. Зотан улуғ революциянинг ҳар бир йиллиги — ўзига хос ҳақиқат палласи, ишларимизни революциянинг олий мақсадларига қиёс қилиш, бошдан кечирилган нарсалар тўғрисидагина эмас, шу билан бирга келгусидаги ишлар тўғрисида ҳам қайта-қайта ўйлаш учун бир мавриддир.

Халқларимиз Октябрь байроқлари остида амалга оширган ишлар билан фахрланамиз! Шу куни биз совет кишилари барча авлодларининг ишлари ва жасоратлари учун уларга чуқур иззат-ҳурматимизни изҳор этамиз.

Аммо бу ифтиҳор большевиклар ва Ленин ўйлаган режаларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек чиқмаганлигини кўришга ҳалақит қилмайди. Лекин биз ҳозирги авлодларнинг бурчи нимада эканлигини биламиз. Биз бурилиш даврида яшаб, ишлаяпмиз. КПССнинг ташаббуси билан авж олдирилган қайта қуриш ҳар бир гражданнинг ҳам, умуман халқнинг ҳам ижодий бунёдкорлик фаолияти учун ғоят катта имконият очди.

Мамлакатнинг келажаги ишларимизнинг қандай боришига боғлиқ бўлади.

Биз бугун революцион қайта қуришдан, ижтимоий фаолликнинг ўсишидан тарихий умидвор бўлиб, ўз мамлакатимизни янгилашдек кенг миқёсли режаларимиз рўёбга чиқишига астойдил ишонаяпмиз.

Иқтисодий ислоҳот қийинчилик билан бўлсада, муттасил силжиб бораяпти. Биз ҳуқуқий давлатнинг қонуний асосларини бунёд этаяпмиз. Миллий муносабатларни уйғунлаштириш дастури ишлаб чиқилган. Демократиялаш ва ошкоралик жараёни социализм йўлида янада самарали ишламоқда.

Биз саросималикка тушмасдан ҳозирги танг даврни босиб ўтишимиз, собитқадамлик билан ишлашимиз, енг шимариб ишлашимиз зарур. Октябрь сабоқларига, Ленин васиятларига содиқ бўлиш — ҳақиқатга тик боқиш, воқелик қандай бўлса уни шундайлигича кўриш, энг муҳими эса реалистик, амалий равишда ҳаракат қилиш демакдир.

Қайта қуриш режаларини рўёбга чиқариш борасидаги куч-ғайратларни ошириб бориш зарурлигини халқ тобора кўпроқ англаётганлиги — ҳозирги даврнинг энг асосий хусусиятидир.

Ҳар жиҳатдан — ички ишларда ҳам, ташқи ишларда ҳам халққа таяниш муҳимдир. Эҳтимол биз янги аср бўсағасидагина «халқаро сиёсат» тушунчасининг асл маъноси ҳукуматлар ўртасидаги муносабатларгина эмас, балки айни халқлар ўртасидаги муносабатлар эканини тушуна бошлаётган бўлсак керак. Бунда воқеаларнинг ривожланиши ленинчасига бормоқда.

Заминдаги муштарак тақдиримиз яхлитлигини ҳис этиш, дунё ягона ва бир-бири билан боғлиқ эканини тобора кўпроқ тушуниш ҳозир жаҳондаги кишиларнинг кайфиятига хос бўлган асосий хусусиятдир.

Халқлар буни ҳамиша ҳис этиб келишганди, албатта, чунки бу — азалдан мулоқот, ҳамкорлик, дўстлик учун яратилган инсон табиатига хосдир.

Аммо бизнинг умумий инсоният тарихимизда ҳаддан ташқари кўп ёмонлик, ҳаддан ташқари кўп иллат йиғилиб қолди. Ер юзи халқлари ҳаётидаги янги босқични ҳақиқатан ҳам тинчлик босқичига айлантириш учун қанча вақт керак бўлади? Бу нарса ҳаммамизга, биргаликдаги куч-ғайратларимизга, сиёсат воситаси сифатида зўравонликка абадул-абад барҳам беришга ҳамда ҳуқуқни ва ўзаро ҳурматни халқаро турмушнинг нормаси ва қонунига айлантиришга бўлган азму-қароримизга боғлиқдир. Ўйлайманки, ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси бу фикрга қўшиладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан ҳаммангизни байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз!

Биз барча совет кишиларига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 72 йиллиги билан қизғин қутлов ҳамда социалистик Ватанни янгилашдек буюк ишда муваффақият тилаб билдирган сўзлар билан мурожаат этамиз.

Бугунги тантанали кунда биз социалистик мамлакатларнинг халқларига, бутун дунё коммунистлари ва демократларига, барча чет эллик дўстларимизга ўзимизнинг Октябрь саломимизни ва дўстона истакларимизни йўллаймиз.

Бизнинг тантанамизга шерик бўлаётган ва шу залда ҳозир бўлган чет эл давлатларининг вакилларига энг эзгу-истакларимизни изҳор этамиз.

Бизга қутлов ва табрикномалар йўллаган давлатлар, ҳукуматлар, партиялар, ташкилотларнинг раҳбарларига ва айрим гражданларга миннатдорчилик билдираман.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

* * *

Қабул маросими самимий, байрамона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## БАЙРАМ МУШАКБОЗЛИГИ

Қизил майдон узра курантлар тантанавор бонг урмоқда. Роппа-роса тўққиз марта бонг урилгандан кейин Москванинг оқшомги осмони Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 72 йиллиги шарафига тўплардан отилган байрам мушакбозлигидан чароғон бўлиб кетди.

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград. Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, Қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида ҳам 7 ноябрь шарафига мушакбозлик бўлди.

(ТАСС).

# ҚАЙТА ҚУРИШ БИЛАН БАРАВАР ОДИМ ТАШЛАБ

Бугунги байрам мамлакатимиздаги умумхалқ байрамлари қаторида ҳақли равишда алоҳида ўрин тутади — биз революция туғилган кунни, тарих вақтни янги ўлчовда ҳисоблай бошлаган кунни нишонлаяпмиз. Совет халқи Улуғ Октябрь санасини етмиш иккинчи марта нишонламоқда ва мана шу катта йўлда дуч келинган барча қийинчиликларга қарамай, мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарларида одамлар ўзларининг, партия сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари ни, партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш принципларига содиқ эканликларини баён этиш учун намойишга чиқмоқдалар.

Совет Иттифоқи, жумладан Ўзбекистон халқлари ҳозирги вақтда ўз тарихидаги қийин даврни бошдан кечирмоқдалар. Йўл қўйилган қўпол хатолар, ленинизм принципларидан чекинишлар, оммавий репрессиялар социалистик идеалларга оғир зарба етказди. Бу эса социалистик қурилиш ишини жиддий равишда издан чиқарди, аммо халқимизни, мамлакатимизни 1917 йил октябрида танлаб олинган йўлдан оғдира олмади ва оғдира олмайди. Биз ҳозирдаёқ турли иллатлардан халос бўла бошладик. Партия социализмга янги сифат бахш этиш, ленинизм руҳини имкони борича тўлароқ тиклаш, инсон манфаатларини жамиятнинг асосий мақсадига айлантириш вазифасини қўйди. Бу бугунги кундаги бош мақсаддир.

7 ноябрь куни эрта тонгданоқ республика пойтахтининг бош майдони сари йўл олган минг-минглаб тошкентликлар буни жуда яхши англадилар. Улар кўтариб олган транспорант ва плакатларда илгаригидек «шарафловчи сўзлар» эмас, балки реал ишлар ва ютуқларни акс эттирувчи лўнда ва аниқ сўзлар ҳамда рақамларга кўзингиз тушади.

Хўжалик ҳисоби байрам колонналари безатилишига ўз таъсирини ўтказганлиги яққол сезилиб турибди. Республиканинг барча корхоналари, хўжалик ва ташкилотлари ана шу хўжалик ҳисобига ўтиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар ва баъзи коллективлар ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу усулга ўтдилар. Илгари минглаб сўм сарфланиб, дабдабали ва ҳашамдор жиҳозланган машиналар кўзга ташланмайди. Ортиқча шиорлар ва чақириқлар йўқ. Республика хўжалик юритишнинг янгича шароитида ишлашга, ташаббус ва омилкорлик, ишчанлик ва мустақиллик намоён этишга ўрганмоқда. Шубҳа йўқки, бу йўлда Ўзбекистон меҳнаткашларини шунчаки ютуқлар эмас, ҳақиқатан ҳам яқин йиллар ичидаёқ халқ фаровонлигини анча ошириш имконини берадиган чинакам муваффақиятлар кутмоқда.

Аммо байрам ўз таъсирини ўтказган, шунинг учун ҳам Тошкент кўчалари, проспектлари янада кўркамлашган. В. И. Ленин номли майдон байрам либосида. СССР, қардош иттифоқдош республикаларнинг байроқлари хилпираб турибди. Ҳамма нарса ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши бошланишига тахт турибди.

Байрам арафасида В. И. Лениннинг улуғвор ҳайкали пойига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг ҳарбий кенгашидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранларидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгашидан, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетидан гулдасталар қўйилди.

Меҳмонлар учун ажратилган минбарлар одамлар билан лиқ тўлади. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка номзодлари, СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, революцион ҳаракат ветеранлари, Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун кураш қатнашчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари.

(Давоми 2-бетда).

